

Фояйй тахдидлар  
йуналишлари.

Мафкуравий тажовуз ва  
аҳборот хавфсизлиги

Режа:

1. Фояйй тахдидлар йуналишлари.
2. Мафкуравий тажовузлар
3. Аҳборот хавфсизлиги.

# АДАБИЁТЛАР:

- ▶ Миллий истиқлол ғояси (Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик). Эршашев И таҳрири остида. –Т.: Академия, 2005.
- ▶ Мамашокиров С., Тоғаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари. –Т.: Маънавият, 2007.
- ▶ Миллий истиқлол ғояси: назария ва амалиёт. -Т.: Ижод дунёси, 2002.
- ▶ Назаров Қ. Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.
- ▶ Назаров Қ. Ғоялар фалсафаси .- Т.: Академия, 2011.
- ▶ Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. –Т.: Маънавият, 2008.
- ▶ Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. – Т.: Ўзбекистон, 2004.
- ▶ **АКИЕВА Х.Х., САИДОВА Н. ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЁТ ҒОЯЛАР ВА МАФКУРАВИЙ ХУРУЖЛАРНИНГ ЗАРАРЛАРИНИ ОЧИБ БЕРИШ ҲАМДА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЙЎЛЛАРИ**



► Хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, фуқароларнинг тинчлигини асраш, ҳудудий яхлитлик тушунчаси, ақидапарастлик, диний Экстремизм ва терроризмга қарши кураш, озод ва обод Ватан, фаровон ҳаёт барпо этиш, тинчликни асраш ғояларини миллий ғоя туркумига кирувчи фанлар режасидаги мавзулар орқали ёшлар онги ва қалбига сингдириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

# Ёт ғайриинсоний ғояларнинг кўринишлари:

- ▶ - коммунистик мафкура;
- ▶ - космополитизм,
- ▶ - буюк давлатчилик шови-низми;
- ▶ - диний экстремизм ва ақидапарастлик;
- ▶ - ирқчилик ғояси;
- ▶ - фашизм, неофашизм;
- ▶ - агрессив миллатчилик;
- ▶ - сепаратизм;
- ▶ - панисломизм;
- ▶ - пантуркизм;
- ▶ - субмаданият;
- ▶ - оммавий маданият ва ҳоказолар



Гайриинсоний, ёт ғояларни келтириб чиқарувчи омиллар қыйидагилардан иборат:

- ▶ – маънавий қашшоқлик;
- ▶ – диний экстремизм, бегона ва сохта диний ақидалар, жангариликни тарғиб қилиш;
- ▶ – ақидапарстлик;
- ▶ – ўзликни англамаслик;
- ▶ – лоқайдлик;
- ▶ – халқаро терроризм;
- ▶ – наркобизнес;
- ▶ – ноқонуний қурол-яроғ савдоси.

# Ғайри инсоний , ёт ғояларнинг кўринишлари

Комунистик  
мафкура

космополитизм

Буюк давлатчилик  
шовинизми

Ирқчилик ғояси

фашизм

Агрессив  
миллатчилик

панславянизм

панэронизм

пантуркизм

панисломизм

# ФОЯЙЙ ТАЪСИР ЙЎНАЛИШЛАРИ



# *Фояйй таъсир шакллари*

Индиви-  
дуал

Жамоа-  
вий

Оммавий

# **ФОЯВИЙ ТАЪСИР УСЛУБЛАРИ:**

ишонтириш

уюштириш

тушунтириш

ФОЯВИЙ  
тарбиялаш

ФОЯВИЙ  
иммунитетни  
шакллантириш



Вайронкор ғоялар асосида  
шаклланган мафкуралар  
жамият тараққиётига ғов бўлади,  
миллат ва халқларни асоратга  
солади. Бундай мафкуралар, ўз  
мазмун-моҳиятига кўра, ҳукумрон,  
мустабид, тажовузкор,  
босқинчилик, экстремистик,  
ақидапарастлик шаклларида  
намоён бўлади.



## Вайронкор мафкураларнинг кўринишлари

- ▶ Большевизм
- ▶ Фашизм
- ▶ “Расизм”, Ирқчилик таълимоти
- ▶ Терроризм (лат. Terror – қўрқув, даҳшат)
- ▶ Буюк давлатчилик шовинизми
- ▶ Диний ақидапарастлик
- ▶ Диний экстремизм

## Фашизм

тажавузкор ва вайронкор ғоялар асосида шаклланган инсониятга қарши назария ва амалиёт.

## Большевизм

- коммунистик таълимот халқларнинг миллий-этник ўзига хосликларини йўқотиш, «пролетар байналмилаллиги» шиори билан майдонга чиқкан

## Расизм

- одамлар ўртасидаги ижтимоий тенгсизлик, босқинчилик, зўравонлик ва үрушларни кишиларнинг тури ирқларга мансублиги билан оқлашга хизмат қилувчи ғайримиллий таълимот.

## ТЕРРОРИЗМ

- Қўрқитиш ва даҳшатга солиш орқали ўз ҳукмини ўтказишга уриниш террорчиликка хосдир

## Буюк давлатчилик шовинизми

бир давлатнинг бошқа давлат ёки давлатлар устидан сиёсий, мафкуравий, иқтисодий ва ҳарбий ҳукмронлигини ўрнатишга қаратилган назария ва амалиёт.

## Диний ақидапарастлик

- сиёсий мақсадлар йўлида мавжуд ижтимоий муаммоларни илк, яъни мазкур дин пайдо бўлган пайтдаги арконлар асосида ҳал этмоқ ниятидаги ҳаракат ва қарашлардан иборат.

## Диний экстремизм

- маълум сиёсий мақсадлар йўлида ва дин ниқоби остида мутаассиблар ёки уларнинг иродасига кўра иш кўрувчи гурӯҳлар томонидан олиб бориладиган ўта ашаддий ҳаракатлар ва қарашлар мажмуини англатади.

- Мутахассислар бу тезкор даврни «оммавий ахборотлашув» ёхуд «глобаллашув асри» деб аташмоқда. Болиси ер юзининг қайсиadir бир чеккасида юз берган воқеадан бир неча сония ичида бутун дунё аҳли хабар топмоқда. Бу эса шубҳасиз матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли нечоғли ошиб бораётганидан далолат беради. **«... бугунги кунда тез ўзгариб, мураккаблашиб бораётган замоннинг ўзи, тобора кучайиб бораётган турли таҳдид ва хатарлар оммавий ахборот воситалари олдига ўткир ва масъулиятли талабларни қўймоқда».**
- **Бугунги глобаллашув жараёни кимки ахборотга эгалик қилса, ўша дунёга ҳукмронлик қиласи**, деган фикр бежизга айтилмаганлигини тасдиқлади. Дарҳақиқат, ҳозир дунёning бир қанча давлатларида ядро қуроли ишлаб чиқариш бўйича ҳаракатлар давом этаётган бўлса, бир қатор мамлакатларда эса ахборот хуружларини уюштириш устида иш олиб борилмоқда.

## **Ахборот маконининг вужудга келиши нафақат уни бўлиб олиш, балки унда кечаётган жараёнларни назорат қилиш ва бошқаришни ҳохловчи томонларнинг пайдо бўлишига олиб келди.**

- ▶ Бу грухларнинг кураш воситаси ҳам айнан ахборот қуролидир. Таҳлилчилар ахборот қуроли деганда одамларга **руҳий таъсир кўрсатадиган** ва уларнинг устидан **назорат қилиш имконини** берувчи воситаларни, **компьютер вирусларини, мантиқий бомба, телекоммуникация тармоқларида ахборот алмашинувини бостирувчи мосламаларни, давлат ва ҳарбий соҳаларни бошқаришда ахборотларни сохталаштириш** каби ҳаракатларни назарда тутишади.
- ▶ Ахборот хавфсизлигига нисбатан таҳдидларнинг асосий таъсир воситаси бу:
  - ▶ **бир марталик ташвиқот акциялари,**
  - ▶ **узоқ муддатли тарғибот кампаниялари,**
  - ▶ **мафкуравий тазийк,**
  - ▶ **маданий экспансия,**
  - ▶ **ахборот блокадаси** каби руҳий-информацион таъсир воситалари ҳисобланади.

# Ахборот хавфсизлигига таҳдид манбалари ички ва ташқи манбаларга бўлинади.

## **Ахборот хавфсизлигига таҳдиднинг ташқи манбалари:**

- ▶ — чет эл жосуслик ва маҳсус хизматларининг фаолияти;
- ▶ — чет эл оммавий ахборот ва глобал коммуникация воситалари;
- ▶ — ҳалқаро гурӯҳлар, тузилмалар ва алоҳида шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари;
- ▶ — ахборот тарқатиш ва фойдаланиш бўйича хорижий давлатлар сиёсатининг амалга оширилиши
- ▶ — табиий оғатлар ва фожеалар.

## **Ахборот хавфсизлигига таҳдиднинг ички манбалари:**

- ▶ — сиёсий, иқтисодий ва жамоат ташкилотларининг, алоҳида шахслар ва гурӯҳларнинг ахборот тўплаш, тарқатиш ва фойдаланиш соҳасидаги ноқонуний фаолиятлари;
- ▶ — ахборот соҳасида фуқаролар ва ташкилотлар ҳуқуқларининг бузилишига олиб келувчи давлат тизимларининг қонуний ҳаракатлари ва кўзда тутилмаган хатолари;
- ▶ — ахборот тизимларининг дастурий-техник воситаларининг базавий технологияларини яратиш, синаш ва ишлаб чиқариш бўйича маҳаллий саноатнинг талаб даражасида эмаслиги.



Рұхий-информацион таъсир асосан  
қүйидаги усуллар орқали амалга  
оширилади:

- ▶ — дискредитация – воқеанинг аҳамиятини пасайтириб бериш;
- ▶ — дезинформация – ахборотнинг маъносини ўзгартирган ҳолда тақдим этиш;
- ▶ — тұхмат;
- ▶ — эътиборни чалғитиш;
- ▶ — фактларни манфаат учун бузиб талқин қилиш.

## Маънавий таҳдид ва ёшлар онгини эгаллашга қаратилган ахборот хуружлари

- ▶ Ахборот хуружларининг ёлғон
- ▶ ахборот тарқатиш, ижтимоий онгни манипуляция қилиш
- ▶ миллий-маънавий қадриятларни емириш, менталитетга мутлақо ёт бўлган қадриятларни тарғиб этиш,
- ▶ ҳалқнинг тарихий хотирасини бузиш ва ўзгартириш,
- ▶ кибертерроризм каби турлари кенг тарқалмоқда.



Глобаллашган ахборот майдонида руҳий-  
информацион таъсир воситалярини тўлиқ  
чеклаш ёки назорат қилиш имкониз.

Демократик бошқарув, фикрлар хилма-  
хиллиги бунга йўл қўймайди.

- ▶ **Биринчидан**, ташқи таҳдид кучларига нисбатан муносабатни шакллантириш.
- ▶ **Иккинчидан**, фуқароларнинг билимини ва таҳлил қилиш маҳоратини ўстириш лозим. Токи уларнинг ўзи оқни қорадан ажратиб олиш имкониятига эга бўлсин.
- ▶ **Учинчидан**, ахборот оқимида жамият ва давлат манфаатларига мос бўлган ахборотни одамлар тезроқ қабул қиласиган ва ишонадиган даражага олиб чиқиш. Агар бу вазифа етарли даражада амалга оширилса, салбий ахборотларнинг ижтимоий онгга таъсири кескин тушиб кетади.



► «Ахборот оламида қандайдир девор үрнатиш, ўз қобиғига ўралиб, маҳдудликка юз тутиш йўли бизга асло маъқул эмас. Шу билан бирга, бугун ён-атрофимиизда, узоқяқин минтақаларда юз бераетган воқеаларни инобатга оладиган бўлсак, ҳали онги, ҳаётий қарашлари шаклланиб улгурмаган ёшларни чалғитишга қаратилган ғаразли кучлар ҳам интернет имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринаётгани ва бундай интилишларнинг қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди».

- ▶ Кузатувчилар айни пайтда дунёга тарқатилаётган ахборотларнинг 80 фоизи бор-йўғи 4-5 та ахборот агентликлари тарқатаётганини эътироф этмоқдалар. Бу эса айнан ушбу медиа-холдингларга эгалик қилаётганларнинг имкониятлари устунилигини, исталган ахборотни ўзларига қулай ва фойдали тарзда тарқатиш, шу йўл билан ахборот маконида етакчилик қилаётганларини кўрсатади.
- ▶ Бугун миллиард-миллиард маблағлар ахборотни қайта ишлаш, уни белгиланган маконга етказишга сарфланаяпти. Узоқ ва яқин минтақалардаги турли хил сиёсий, мафкуравий ва бошқа кучлар ўзларининг ғаразли ниятлари йўлида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиб, ахборот эркинилигини сустеъмол қилиб, ахборот таҳдидлари орқали ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш йўлида тинимсиз ҳаракатларни кучайтирмоқда.

- "Google" компанияси таҳлилларига кўра, Ўзбекистондан кунига **«odnoklassniki.ru»** сайтига 200000, **«Facebook»** сайтига 90000га яқин, **«Мой мир»** сайтига 40000 нафардан ортиқ фойдаланувчи ташриф буюрмоқда.
- Ваҳоланки, юртимиздаги **doira.uz, ziyonet.uz, odnoklassniki.uz, sinfdosh.uz, muloqot.uz** каби сайtlарда рўйхатдан ўтганларнинг барчаси жамланса ҳам юқоридаги сайtlарнинг фойдаланувчилари миқдорига етмайди. Шу боис интернет тармоғини миллий қадрият ва ањаналаримизни ўзида акс эттирувчи веб-сайtlар билан бойитиш, таълим муассасаларини интернет тармоғига улашда одоб-ахлоқ қоидаларига мувофиқ бўлмаган веб-сайtlардан фойдаланишга чекловларни жорий этиш, ёшларда ахборот ресурсларидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан саналади

- 
- ▶ хборот хавфсизлиги бўйича ходимлар маракасини ошириш;
  - ▶ тармоқ кабелларини ўтказишда техник меъёр талабларига риоя қилиш;
  - ▶ компьютерлар тизим блокларини муҳрлаш;
  - ▶ тизимларга кириш паролларини ўрнатиш;
  - ▶ администраторлик ҳуқуқини чеклаш;
  - ▶ USB-port, DVD-RW воситаларидан фойдаланишни тартиба солиш;
  - ▶ Wi-Fi, 3G модем қурилмаларидан ўзбошимчалик билан фойдаланишни тақиқлаш;
  - ▶ интернет тармоғи трафигини назорат қилиш;
  - ▶ лицензияга эга дастурли антивирус билан таъминлаш ва ўз вақтида антивирус базаларини янгилаб бориш;
  - ▶ тармоқлараро экран (Firewall)ни тўғри созлаш .